Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши.
13 НОЯБРЬ 1967 й.
ДУШАНБА
№ 264 (419)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Мана булар 4 ноябрь—байрам арафасида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газета редакцияларига кириб келишди. Улар Тошкентнинг олти районини меҳнат эстафетаси сифатида кезиб чиққан китобни тақдим этиш учун келишди. Юбилей мажбуриятлари бажарилди, «Улуғ Октябрь 50 йиллиги номли бригада» деган фахрли номга муяссар бўлинди, деган рапортлар, берилди.

Бригадалар 4 ой давомида китобга ўз ишлари ҳақида ёзиб, меҳнат эстафетасини корхонадан-корхонага узатишди.

Редакцияда Улуғ Октябрь революцияси шарафига ўтказилган социалистик мусоба қанинг голиблари-эстафета-китобининг қатнашчиларига Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Облсовпроф, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газета редакцияларининг Фахрий ёрлиқлари тақдим қилинди.

Фотомухбиримиз М. Нуриддинов редакциядаги учрашув қатнашчилари—бригадаларни суратга туширди.

Суратда: (чапдан-ўнгга) М. Қулибоев («Таштекстильмаш»), Н. Железнов (Октябрь революцияси номли завод), А. Кротов («Таштекстильмаш»), А. Григорьева (1-пойафзал фабрикаси), А. Кройка («Ташсельмаш»), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. Требухин (самолётсозлик заводи), И. Зарецкий (2-пойафзал фабрикаси).

ҲОВЛИ ТОШКЕНТ БУНЁДКОРЛАРИ ТЎЙЛАРИ

Украина бинокорлари шу кунга қадар ҳамшаҳарларимизга 60 минг квадрат метрдан ортиқ турар-жой бинолари қуриб беришди.

Юбилей йилида украиналиклар 70 минг квадрат метр турар-жой қуришга аҳдупаймон қилишган эди. Қардошлар имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, кўзда тутилгандан 10 минг квадрат метр ортиқ уй-жой қуришга бел боғлашди.

Эрта-индин давлат комиссияси Чилонзорнинг В-13 кварталида Украина бунёдкорлари барпо этган турар-жой бинолари комплексини қабул қилиб олади.

Ҳа, ҳовли тўйларин яқин!

В-13-кварталида украиналик азаматлар 15 та кўп қаватли бино қуришди. Умумий саҳни 34,2 минг квадрат метрлик бу бинолар бежиримлиги, қулайлиги билан ажралиб туради. Уйлар атрофидаги дарахтзор ва гулзорлар эса бино кўркига кўрк қўшиб турибди. Бу уй-жойларини барпо этишда 8-қурилиш-монтаж поезди коллективлари ғайрат кўрсатиб ишлади.

1-Киев қурилиш-монтаж поезднинг қурувчилари умумий саҳни 4,88 минг квадрат метр бўлган иккинта 80 квартирали уйни бунёд этишди. Ф. Зеленийнинг бошлиқ комплекс бригада аъзолари самарали меҳнат қилиб, ойлик топшириқларни доим 130-140 процентга етказиб адо этмоқда.

3-Киев қурилиш-монтаж поездига қарашли Иван Бокач бригадаси ҳам 80 квартирали уй қурилишида яхши ишлаб, барчага ўрнак бўлди. И. Бокач «Тошкент бинокори» нишони билан тақдирланган. Мукофотга жавобан бу фидокор йигит Тошкентда яна бир йил меҳнат қилишга аҳд қилди.

Ўтюрак комсомоллар турар-жой комплекси қурилишида ғайрат билан ишлаб, юбилей олди социалистик мусобақасида пешқадамлик қилишмоқда. Анастасия Сандуль етакчилигидаги комсомол-ёшлар бригадаси фақат Донецк қурилиш-монтаж поезди коллективлари ўртасидагина эмас, балки Украина қурувчилари орасида ҳам донг таратган. Бригада аъзолари кунига 1,5—2 норма бажариб ишламоқдалар. Ярослав Марфичук, Галина Овсичук, Ранса Казак, Анна Чабан каби илғорлар меҳнатда барчага ўрнак.





Тошкент Экскаватор заводининг коллективи беш йиллик иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун фидокорона меҳнат қилаётир.

Суратда: 12-йиғув цехининг пешқадам йиғувчи слесарларидан Ж. Мухиддинов (чапда) ва Ш. Бобоёров ўртоқлар.

Москваликлар туҳфаси

Тошкент. Ленин орденли «Главмосстрой» бинокорлари Узбекистон пойтахтида 230 минг квадрат метр уй-жой қуриш мажбуриятини олган эдилар. Шундан 112,5 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.

Чилонзорнинг 26-квартали бутун салобати билан шаҳримиз чиройига чирой қўшяпти. Бу ерда ўнлаб уй-жой бинолари, умумий таълим ва музика мактаблари, болалар боғчаси эл хизматида. 15-кварталда ҳам ишлар қизғин бораяпти.

Ҳозирда москвалик бунёдкорлар Тошкентнинг марказида қурилиш ишларини олиб бормоқдалар. Улар Пушкин кўчасида «Марказ-1» ва «Марказ-2» кварталларини бунёд этмоқдалар. Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилейи кунларида дастлабки иккита кўп квартирали уй фойдаланишга топширилади. Бу ерда тошкентликлар байрам шодиёнасини ўтказадилар.

Йил охиригача Ленин орденли «Главмосстрой» коллективи яна 22 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топширадилар.

Суратда: Чилонзорнинг 15-кварталида янги уйлар барпо этишда фаол қатнашаётган Николай Фомин звеноси.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

«ЯХШИ» ВА «АЪЛО» БАҲОЛАР УЧУН

Мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчилар коллективлари умумхалқ шодиёнасини кўнгилли кутиб олдилар.

Куни кеча минглаб ўқувчилар яна ўз жонажон мактаблари қучоғига келишди. Устозлар ва талабалар чеҳраси очиқ.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли 24-ўрта мактаб ҳовлиси қувноқ ўғил-қизлар билан тўла. Мактабнинг тажрибакор педагоглари шу куни янги ташаббус бошладилар.

— Бу билим даргоҳида 1797 ўқувчи билим олмоқда, мактаб бўйича ўқувчиларнинг дарсларга давомати ва билимларни ўзлаштиришида юз пойиз натижага эришдик.— дейди илмий бўлим мудири Зирожат Ҳамидўжаева.— Жумладан, 740 ўғил-қиз бошланғич синф ўқувчиларидир. Биринчи чоракда ўқувчиларнинг фақат «2»сиз ўқишига муваффақ бўлдик.

Педагогларнинг бугунги йиғилишида мактаб ўқувчиларининг фақат «яхши» ва «аъло» баҳоларда ўқишларига эришишига қарор қилдик.

Бошланғич синф ўқитувчиларидан Ж. Гуломова, Ҳ. Қодирова, Ў. Зоирова, М. Назарова ўз синфларидаги ўқувчилар ҳозирданоқ яхши хулқли бўлишлари, билимларни пухта эгаллашлари устида кунт билан ишлаб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Чунки, ўқувчиларнинг бошланғич синфлардан одобли бўлишга, ўқув қуроллари ва кийимларини озода тутиб, ҳар бир дарсга ихлос билан қарашлари уларнинг юқори синфларда ҳам «яхши» ва «аъло» баҳоларда ўқишларининг гаровидир.

«ЭРА» АППАРАТИ

Кутубхонага кирган киши ўзини қизиқтирган у ёки бу китоб билан тезроқ танишиш иштиёқида бўлади. Баъзан китобхон сўраган китоб банд бўлиши мумкин.

Шундай пайтда нима қилиш керак? В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети асосий кутубхонаси ходимлари бу соҳада яхши тадбирни амалга оширдилар. Китобхонларни қуттириб қўймаслик учун қоғозга нусха кўчириладиган «ЭРА» марнали аппарат бор. Китобхонларнинг буюртмаларига биноан бу аппарат ёрдамида у ёки бу асардан нусхалар кўчирилади.

Бу усул китобхонларга қулайлик туғдирмоқда. Айниқса нодир китоблардан фойдаланишда аппарат жуда қўл келади.

ФАРҒОНА УЙЛАРИ

Чилонзор районининг Дўмбиробод массивида икки кўча бор. Улар Фарҳод ва Наққошлик деб аталади. Гўзал номлар. Бу ерда қурилаётган уйлар ундан ҳам гўзал. Бу биноларни фарғоналиклар қуришяпти.

Фарғонадаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли 8-қурилиш трестининг уйсозлик комбинати усталари садоқат билан ишламоқда. Улар битта 88 квартирали, иккита 32 квартирали уйларни қуриб беришди. Уйларнинг ҳовлисида болалар, кексалар оромгоҳи учун махсус жойлар ажратилган.

Қурувчилардан В. И. Ангушев, Р. Муртазоев, Ф. И. Гаврилов, Т. Қаюмов, Л. Вайнер бошчилик қилган бригадаларнинг аъзолари қурилишда яна бир довон ошишди.

ЛУНАЧАРСКИЙ ШОССЕСИДА

4-қурилиш трестининг 19-бошқармаси азаматлари Луначарский шоссесида истиқомат қилувчи кишиларнинг раҳматига сазовор бўлдилар.

Катта кўчада «Маиший хизмат уйи» қурилиб фойдаланишга топширилди.

Куни-кеча эшиклари очилган бу хизматхона етти бўлимдан иборат. Ҳашаматли бинода ўз ишининг усталари якка буюртмаларни бажарадилар.

Қурилиш трестининг 21-бошқармаси биноқорлари ҳам универсал магазин биносини қуриб бўлишди. Яқин орада унда савдо бошланади.

ТАНТАНАЛИ КЕЧА

Ленин районидаги 156-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиларидан 50 йигит-қизга тантанали вазиятда паспорт топширилди.

Бу тантанага СССР халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова, Ўзбекистон ССР халқ артисти З. Ҳидоятова, Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. Абдуллаев, ота-оналар ва бошқа кишилар келишди.

Мактаб директори Ж. Тўлаганова, Л. Саримсоқова, З. Ҳидоятова ёшларни табриклаб, хотин-қизлар ҳуқуқи ҳақида, ёш гражданлар Совет давлатимизнинг содиқ фарзандлари бўлишлари ҳақида гапирдилар.

А. ИСАХОНОВ, 156-мактаб ўқитувчиси.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

АКА-УКА ТОКАРЛАР

Нима бўлди-ю, эрталабдан бери туппа-тузук ишлаб турган Фрунзенинг дастгоҳи тўхтаб қолди. Қизиқ, мотор гуриллаб ишлайди-ю, шпиндель қимир этмайди. У ҳар эҳтимолга қарши патрондан детални олиб қўйиб, станокнинг уёқ-буёғини текширди. Станокнинг «касалини» тополмай хуноб бўлиб турган Фрунзенинг ёнига акаси Тельман келди.

— Ҳа, нима бўлди?— деб сўради Тельман укасидан.

— Қайдам?— деди Фрунзе пешонасидаги терларини енги билан артиб, ҳеч бўлмаяпти ака.

— Қани, бундай турчи!

Фрунзе шундай деди-да, станокдан кўз узмай четга ўтди. Тельман эса кнопканн босди. Пастидан яна моторнинг гуриллаган овози эшитилди-ю, аммо патрон қўзғолмади.

Шундан кейин станок тепасида уларнинг акалари ҳам ҳозир бўлишди. Уларнинг бири олдинги қисм қопқоғини кўтарди, иккинчиси узатмалар қутисидаги ричагларни кўтариб, туширib станокнинг «касали»ни қидира бошлашди. Яна бири моторни текширишга тушди. Фақат ҳали станокнинг сиру-асрорини билмайдиган Фрунзегина бу ишга аралашмас, аммо дам у анасининг дам бу анасининг ёнига ўтиб қисмлар билан тезроқ танишиб олишга ҳаракат қилар эди.

— Топдим,— деди сўнгиб Тельман тасма узилиб кетибди-ку, ахир.

Бош мастер бир зумда тасма келтирди. Ака-укалар биргалашиб тасманн мотор билан шпинделга ўтказишди.

— Яна юрмаяпти-ку!— деди ҳайрон бўлиб Фрунзе кнопканн қайта-қайта босар экан.

Ака-укалар англашдики, станокнинг яна бир неча жойи шикастланган. Улар станок қисмларини текшира бошлашди. Кейин аниқланишича, шестерняларнинг никитаси бир-биридан четга чиқиб алоқани узиб қўйган экан.

Ана-укалар станокни тузатишди-да, яна ўз дастгоҳлари томон одимлашди. Фрунзенинг юзида қувонч аломатлари пайдо бўлди.

Фрунзе патронга деталнн ўрнатди. Патрон ғириллаб айлана бошлади.

Фрунзе кунлик нормасидаги деталларга ишлов бериб бўлганда тушки овқат маҳали яқинлашган эди. У деталларни тахлаб акалари ёнига борди. Улар биргалашиб тушликка кетишди...

Ўзбекистон тракторийғув заводининг механика цехида ишловчи ака-ука Салимовларнинг аҳиллигига, меҳнатсеварлигига ҳаммаларнинг ҳавоси келади. Улар ўзларига берилган бир ойлик норманн икки ҳафтада, нари борса уч ҳафтада бажариб қўядилар.

Маълумки, трактор-йиғув заводи республикамизнинг ёш корхоналаридан бири. Заводга дастлаб ишга келган Р. Алиев, Т. Юсуповлар қаторида ака-ука Салимовлар ҳам ишлаб келишаётир...

Тельман жуда ёшлигиданоқ акаларига ҳавас билан қарар, ёш қалбида токарь бўлиш орзуси кун сайин ортиб борарди. Унинг акалари билан бирга ишлашга иштиёқи шу қадар кучли эдики, акаларини ҳали жонига қўймай цех, станок ҳақида сўраб-суриштираверіб чарчатардн.

Тельман волга етгач акаларига заводга бориб ишлаш истагида эканлигини айтди. Катта акаси Тўлқин «Ҳали нимжонсан, бир-икки йилдан кейин кирарсан» деса ҳам унамади.

Шундай қилиб у акаларн ишлайдиган механика цехининг чўян участкасига ишга жойлашди.

Иш Тельманни зериктирмади. Нимжон йигитча завод қучоғида, меҳнатда чиниқди. У шу ерда бир қанча дўстлар орттирдн. Участкадаги деярли ҳамма станоклар билан «сирдош» бўлиб олди.

Бир куни ака-ука энди ишга тушмоқчи бўлиб туришган эди, цех дарвозаси томонда Фрунзе кўринди. У ҳам Тельманнинг йўлини тутиб, ишга кираётганини акаларига айтмаган экан.

Шу кундан бошлаб заводга ака-укалар бирга қатнайдиган бўлишди...

Тўлқин беш йилдан бери, Тельман уч йилдан бери цехда меҳнат қилишяпти. Яқингинада завод қучоғига келган Фрунзе ҳам акалари қаторидан ўрин олди.

— Менинг энг севган ишчиларим шу ака-ука, цехдаги ишчилар ичида меҳнатсеварлиги, аҳиллиги билан бошқалардан ажралиб турishади улар,— дейди фахрланиб цех бошлиғи

Шу кунларда ака-ука токарлар зиммадаги топшириқларни бажариш иштиёқида жонбозлик кўрсатишяпти.

К. КАРИМОВ.

Заводда конструкторлик бюроси

«Ташавтомаш» заводида пахтачиликда ишлатиладиган тракторлар бўйича серияли конструкторлик бюроси ташкил этишга қарор қилинди. Эндиликда Тошкент автомобиль машинасозлиги заводи машиналар конструкцияси бўйича тажрибакор кор хона бўлиб қолди.

«ЎЗБЕКИСТОН ССР да ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИХТИРОЧИ»

(ҚЎКРАККА ТАҚИЛАДИГАН БЕЛГИНИНГ ТАСВИРИ)

Кўкракка тақиладиган бу белги доира шаклида томпакдан ясалган (тилла суви югуртилган) бўлиб, диаметри 30 миллиметрдир.

Доирапинг ўртасида саноат манзараси (завод корпуслари ва трубалари, юқори вольтли электр узатиш линияларининг тиргаклари, қурилиш ҳавозалари ва башняли кран) тасвирланган; узоқда чиқиб келаётган қуёш нурлари орасида тоғлар кўриниб турибди. Пастда чаноқлари батамом очилган гўза шохи бўрттириб берилган бўлиб, ундаги пахта ва гуллар оқ эмалдан қилинган.



Кўкракка тақиладиган белгининг четида олд томонида 0,6 миллиметр кенгликдаги ҳошияси бор.

Доира бўйлаб, юқори томонда **«Хизмат кўрсатган ихтирочи»**, паст томонда — **«Заслуженный изобретатель» деб ёзилган.**

Белгининг орқа томонида ўртадан юқорироқда қуёш нурлари устида «ЎзССР» деган сўз ёзилган, пастда эса пахтаси очилган гўза шохларидан илашгнўтга шохларидан ишланган виньетка тасвири ясалган бўлиб, унинг устида белгининг номери кўрсатилган лентача тасвирланган.

Тасвир ва ёзувлар бўрттириб берилган.

Кўкракка тақиладиган белги тешикча ва ҳалқача орқали колодкага уланган бўлади, колодканинг ўрта қисми Ўзбекистон ССР Давлат байроғи рангида бўлган муар лента билан қопланган.

Кўкракка тақиладиган бу белги тўғнағич билан қадалиб, кўкракнинг ўнг томонига тақиб юрилади.

ПАРТИЯ ИШИГА САДОҚАТ ҚАСАМИ

МОСКВАДА СОВЕТ ЁШЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ МИТИНГИ

МОСКВА, 11 ноябрь. (ТАСС). Советлар мамлакатининг ёш авлоди Кремлнинг Съездлар саройида ўтказилган тантанали митингда оталарнинг идеалларига, Ленин партияси ишига садоқатли эканлигини намойиш қилди. Барча иттифоқдош республикалар комсомолларининг вакиллари ва ёш москваликлар бу митингни 11 ноябрда Улуғ Октябрнинг ярим асрлик юбилейини нишонлаш юзасидан ўтказишди.

Г. И. Воронов, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар, Ленин гвардиясининг ветеранлари, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари, ВЛКСМ Марказий Комитети бюросининг аъзолари, чет эллик меҳмонлар — жаҳондаги кўпгина мамлакатлар ёшлар ташкилотларининг раҳбарлари президиумга кириб келганларида мажлис аҳли уларни қизғин қарсаклар билан кутиб олади.

Тантанали сукунатда В. И. Ленининг «Совет ҳокимияти нима?» нуқтининг фонограммаси янграйди.

Залга Ленин комсомолининг байроги олиб кирилади. Байроқлар қўйиладиган майдончада мамлакатдаги республика ва энг яхши шаҳар ҳамда область комсомол ташкилотларининг байроқлари ҳам бор.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павлов митингни оча туриб, бундай деди:

—Улуғ пролетар йўлбошчиси В. И. Ленининг, шонли Коммунистик партиямизнинг обрўси, донолиги ва фидокорлиги — Ленин комсомоли учун, барча ёшларимиз учун энг олий обрў, донолик ва фидокорликнинг энг ёрқин намунасидир.

Миллион-миллион революция жангчилари халқлар бахт-саодати йўлида қайси идеалларни амалга ошириш учун курашга отланган бўлсалар, галаба қозонган социализм шароитида туғилиб ўсган ҳозирги замон ёшлари ҳам худди шу идеаллар туфайли бирлашганлар ва худди шу идеалларни деб олға бормоқдалар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлисида қилган докладида Л. И. Брежнев бундай деди: «Советлар мамлакатининг истиқболи бугунги октябрчилик меҳмонлар — жаҳондаги кўпгина мамлакатлар ёшлар ташкилотларининг раҳбарлари президиумга кириб келганларида мажлис аҳли уларни қизғин қарсаклар билан кутиб олади.

Тантанали сукунатда В. И. Ленининг «Совет ҳокимияти нима?» нуқтининг фонограммаси янграйди.

Залга Ленин комсомолининг байроги олиб кирилади. Байроқлар қўйиладиган майдончада мамлакатдаги республика ва энг яхши шаҳар ҳамда область комсомол ташкилотларининг байроқлари ҳам бор.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павлов митингни оча туриб, бундай деди:

—Улуғ пролетар йўлбошчиси В. И. Ленининг, шонли Коммунистик партиямизнинг обрўси, донолиги ва фидокорлиги — Ленин комсомоли учун, барча ёшларимиз учун энг олий обрў, донолик ва фидокорликнинг энг ёрқин намунасидир.

Миллион-миллион революция жангчилари халқлар бахт-саодати йўлида қайси идеалларни амалга ошириш учун курашга отланган бўлсалар, галаба қозонган социализм шароитида туғилиб ўсган ҳозирги замон ёшлари ҳам худди шу идеаллар туфайли бирлашганлар ва худди шу идеалларни деб олға бормоқдалар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлисида қилган докладида Л. И. Брежнев бундай деди: «Советлар мамлакатининг истиқболи бугунги октябрчилик билдиришга ижозат бергайсиз! Ёшларимиз Ленининг улуғ ишига ўзларининг бутун навқиронлик куч-ғайратларини сарф қиладилар, башарти лозим бўлиб қолса—қўлларига қурол олиб социалистик Ватан шон-шарафи ва мустақиллигини ҳимоя қиладилар!

Сўнгра С. П. Павлов социалистик мамлакатлардаги, Европа, Осиё, Африка, Латин Америкаси мамлакатларидаги ёшларнинг қардош союзлари делегацияларини, халқаро ёшлар демократик ташкилотлари раҳбарларини совет ёшлари номидан қизғин табриклайди.

Митингда Москвадаги Лихачев номли автомобиль заводининг автоматчи токари В. Абашин, Гродно областидаги «Волковисский» совхозининг бузоқ боқари И. Вербель, Луганск областидаги Ильич номли шахта кўмир комбайнининг машинисти Я. Саламаха, Москва энергетика институтининг студенти Л. Корнеева, қозоқ шоири, 1967 йилги Ленин комсомоли мукофотининг лауреати О. Сулаймонов, жаҳон демократик ёшлари федерациясининг президенти Р. Мекини, Вьетнам меҳнаткаш ёшлари союзи Марказий Комитетининг биринчи секретари Ву Куанг, младший сержант-ракетачи В. Егоричев сўзладилар.

Бутуниттифоқ «Комсомол — Октябрга» мотоэстафетаси ва «Чегара комсомоллари — Октябрга» эстафетаси қатнашчиларининг рапортини полининглик инженер С. Бабич ўқиб берди.

Митинг қатнашчилари баланд руҳ билан совет ёшларининг КПСС Марказий Комитетига мактубини қабул қилдилар.

Ҳамиша олға чорлайди

Корхонамизга КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Советининг эсдалик байроғи берилди. Бу юксак мукофот ҳар биримизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш йўлида улкан зафарларга руҳлантиряпти.

Заводимиз дастлаб ойига ўнга яқин тўқимачилик машиналари ишлаб чиқарарди. Бугунги кунда эса корхонамиз конвейерларидан ҳар куни тўртта тўқимачилик машинаси тушмоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати колективимизнинг меҳнатини юксак баҳолади. Заводнинг 25 йиллик тўйи кунида унинг байроғига олий мукофот — Ленин ордени топширилди.

Сўнгги икки йилда 14 хил янги тўқимачилик машиналари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Ҳозирги кунда яна 7—8 хил янги тўқимачилик машиналари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш устида иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон тўқимачилик машиналари Лондон, Жазоир, Милан, Брюссель ва Познанда ўтказилган халқаро кўргазмаларда намойиш қилиниб, катта муваффақият қозонди. Чехословакиянинг Брно шаҳрида уюштирилган жаҳон кўргазмасида эса «ПК-100» маркали машинамиз олтин медаль билан тақдирланди.

Корхона билан бирга унинг коллективи ҳам камол топди. Малакали мутахассисларимиз сафи кенгайди, ишчиларимиз ўз ишининг моҳир устаси бўлиб қолишди. Коллективимизнинг кўплаб ходимлари ҳукумат орден ва медалларн билан тақдирланди. Токарь Николай Иванович Орловга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилганлиги билан ҳаммамиз фахрланамиз.

Партия ва ҳукуматимизнинг совет ишчиси ҳақидаги оталарча ғамхўрлиги бизни янгидан-янги зафарларга чорлаяпти. Заводимиз аҳли юбилей йилида фидокорона меҳнат қилиб, ишлаб чиқаришда янада салмоқли натижаларни қўлга киритди.


М. Қулибоев ва А. Кротов ўртоқлар бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари Улуғ Октябрь 50 йиллиги номини олиш учун социалистик мусобақа бошлашга даъват этиб, пойтахтимиз саноат корхоналари ишчиларига қилган мурожаати ажойиб самаралар берди. Ташаббускорларнинг бу ватанпарварлик чақириғи кўплаб корхоналар меҳнат аҳлининг қалбидан жой олди.

Юбилей йили ўн ойлик планини муддатидан илгари бажардик. Пландан ташқари берилган 150 минг сўмлик маҳсулот ва тежалган 60 тонна рангли металл машинасозларнинг байрамга совғаси бўлди.

Шу кунларда заводимиз цехларида йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Бу йиғилишларда беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан қўшимча социалистик мажбуриятлар қабул қилинаётир.

Темирчилик-пресс цехи коллективининг беш йилликни муддатидан илгари бажаришга қаратилган социалистик мажбуриятларидан руҳланган 1, 2, 3-механика, йиғув ва бошқа цехлар, участкалар, бригадалар ҳам ўз зиммаларига ана шундай мажбуриятлар олдилар.

Замон НАЗИРОВ,
Ленин орденли Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг директори.



Тошкент области. Оққўрғон пахта тайёрлаш пунктига ўн минг тоннага яқин «оқ олтин» келтирилди. Суратда: Узбекистонда энг йирик ҳисобланган ана шу пахта пунктини кўриб турибсиз.

А. Розиқов фотоси, (ТАСС фото хроникаси)

Уйлар муборак!

Йўлнинг икки ёни ва ўртаси гулзор. Кенг Гагарин кўчасидан кетяпмиз. Икки чеккада ҳашаматли иморатлар савлат тўкиб турибди. Бири-биридан қолишмайди чиройда. Архитекторларга, кўли гул қурувчиларга таҳсинлар ўқийсан одам.

Мана машинамиз янги қурилаётган ва эндигина қуриб битказилган осмон ўпар иморатлар сари юрди. Қай бирига боқишингни билмайсан. Бир томонда пойдевор қуриляпти. Иккинчи томонда томи битяпти. Бир ёқда кўчини ортган одамлар...

Шундан билиш мумкинки, бу ерда деярлик ҳар куни уй тўйи, шод гурунг, қувноқ хандалар тинмайди.

— Бу кўчиб келаётганлар Олим ака кварталидаги янги уйга жойлашишяпти, — тушунтирди бизга Чилонзор район ижроия комитети қошидаги уй-жой тақсимлаш бўлимининг бошлиғи Гулжаҳон Абдуназарова —18-кварталдаги 13-уй янги қуриб битказилди. Тўқимачилик фабрикаси ишчилари кўчиб келишяпти.

Биз шу кварталларда тўхталдик. Олим ака хушмуомалалик билан кутиб олди.

— Марҳамат,— деди у,—ишимизни бемалол гапириб беришим мумкин,—ишимиз эзгуликдан иборат. Одамларни, уй-жой билан таъминлаймиз. Бировнинг ҳожатини чиқарамиз. Дилимиз ёруғ тортади. Бизга қарайдиган 2 та кварталда 15 мингга яқин аҳоли яшайди. 58 та кўп қаватли уйга жойлашишган. Зилзиладан кейин айниқса ишларимиз жадаллашди. Киров, Октябрь, Фрунзе, Ленин районлари аҳолисини кўл қовуштириб кутиб олдик. Ҳаммаларига бошпана бердик.

РЕПОРТАЖ

У бизга бу ердаги баланд-пастликларни текислатиб, гулзорлар ташкил этишгани ҳақида батафсил гапирди.

Биз 12-уйдаги 26-квартирага кирдик. Умаровлар бу ерга кечагина кўчиб киришган, нарсаларини эндигина ўрнаштириб бўлишган экан. Хоналари баҳаво, файзли.

— Жонимиз кирди,— деди уй бекаси Бибигул Умарова,— ўтин, кўмир ташвишидан қутилдик! Қўлим куя, эгним кул бўлмайдиган бўлди. Ёнгинамизда мактаб. Муборакқинам бемалол ўқишини давом эттиряпти. Богча ҳам яқин. Жуда хурсандмиз. Қишда поли билан шипи исир экан. Бунинг роҳатига ким етсин. Ишқилиб қурувчилар кам бўлишмасин.

— Олдин қаерда яшар эдингизлар?

— Аввал кичик баракда яшар эдик. У бузилиб кетди. Кейин вақтинча бир хонали уй беришди. Энди мана кўриб турибсизлар, 2 та катта хона. Яна устига ошхонаси, коридорчаси ҳам, ҳамма қулайликлари бор.

Бибигул опа хурсандчилигининг ниҳояси йўқ эди.

— Одамлар хурсанд, биз хурсандмиз,— деди 2-ЖЭК бошлиғи Олим ака Орипов,—ҳар куни шу манзара. Ҳар битта уйимизда 72 дан 140 гача квартира бор. Тўртта уйга, мана, тўқимачилар кўчишяпти.

Томоша қилдик. Ишлар жадал борарди. Азамат бинокорлар қўллари қўлларига тегмайди.

Қардошларимиз ёрдамида қад кўтарган ва тикланиб бораётган ажойиб бинолардаги ҳар бир хона тилга киргандек бўлди назаримизда.

Уларнинг ҳар бир ғишти қанча, кўр, қанча меҳр билан қўйилган. Шу сабабли ҳам файз бор хоналарда. Истиқомат қилаётган ҳар бир хонадон аъзоси кенг ва ёруғ хоналардаги қулайликларни кўриб қувувчига офарин дейди, таҳсинлар ўқийди.

Яна кенг ва текис кўчадан қайтиб келяпмиз. Бир ярим йил ичида бўлган ўзгаришларни кўриб юрак тўлинади. Чанг босиб ётган эгри-бугри дала йўллари ўрнида бетон ётқизилган силлиқ катта кўча. Атроф гулзор, дарахтзор. Ҳашаматли бинолар бири-бири билан хусн талашади... Ҳар биридан дўстлик, қардошлик, биродарлик, бахт нури ёғаётгандек.

М. МАҲМУДОВА.

СЎЛИМ ОШХОНА

Вокзал олди майдонига ўтаверишдаги сув бўйида жойлашган Ленин район ошхоналар трестига қарашли 17-ошхона доим хўрандалар билан гавжум. Кираверишда тандирда сомса ёпиляпти, унинг ёнида ширилаётган кабобнинг ҳиди иштаҳани қитиқлайди. Ошхонанинг нариги бурчагида эса ошпаз Пўлат Мирсоатов ўзи дамлаган паловни суямоқда. Бу уста ошпаз 10 йилдан бери ош дамлаб, хўрандалар ҳурматини қозонган.

Ошхонанинг қишлоқ ҳамда ёзлик ўринларида бир йўла 120 киши овқатлана олади. Ҳар куни бу ерга 1000—1200 хўранда ташриф буюради.

Ошхонадаги 17 ошпазга Халил Ўлмирзаев бошчилик қиляпти. Уларнинг ҳаммаси Халил акани устоз пазанда сифатида ҳурмат қилишади. Чунки у 20 йилдан бери шу касбда.

Бундан бир неча йил аввал Халил ака янги, димлама сомсани кашф этди. Бу ўзи сомса Савдо министрлиги томонидан тасдиқланди. Халил ака ихтироси учун исми ёзилган қўл соати билан тақдирланган. Ўлмас тайёрлаш такнифи ҳам яхши баҳоланиб, дастурхонга чиқарилди.

— Биз,—дейди ошхона директори Воҳид Қаноатов, — пазандаларимизнинг ўз тажрибаларини ошириб боришларига ҳам катта аҳамият берамиз. Моҳир ошпазлардан Восиқ Обидов, Раҳимжон Исмонлов ва Самир Аминов ишлаб туриб, ўз билимларини оширишмоқда.

Ошхона коллективи савдо қилиш планини ҳамиша ошириб бажаради. Моҳир пазандалар Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги байрамини янада кўплаб тотли таомлар тайёрлаб, хўрандаларни мамнун этиш ва ишлаб чиқаришларни ортиғи билан бажарган ҳолда якунлаб олишди.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

Мардлик ва садоқат



Тошкент области. Оққўрғонда Улуғ Ватан урушн йилларида ҳалок бўлган оққўрғонлик жангчиларга ўрнатилган ёдгорликнинг тантанали очилиш маросими бўлди. Бу жанг майдонида ҳалок бўлган 2861 кишининг қаҳрамонлиги ва мардлиги хотирасига ўрнатилган ёдгорликдир.

СУРАТДА: мангулик қўрғонидаги ёдгорлик ҳайкали.

Г. Пун фотоси (ЎзТАГ).

Октябрнинг шарққа таъсири

Тарихий манбага кўра, 1918 йили Истамбулдаги Хомидий университети залига кўйилган В. И. Ленин портретининг ёнига шундай сўзларни ёзиб қўйишди: «Ясасин барча мазлум халқларнинг отаси ва жаҳон тинчлигининг паноҳгоҳи янги пайғамбар Ленин ҳазратлари» Шарқ халқларига хос бу илиқ тилакларда Улуғ Октябрнинг раҳнамоси В. И. Ленинга бўлган самимий ҳурмат ва меҳр-муҳаббат туйғулари, қалб сўзлари ифода этилган.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти Абдуқодир Қиргизбоевнинг яқинда «Ўзбекистон» нашриётн босиб чиқарган «Улуғ Октябрь ва Шарқ мамлакатлари» китобида Октябрь революциясининг Шарқ халқларига кўрсатган жуда катта таъсири бобма-боб ёритиб берилади. Ҳар бир боб материалларга бойлиги, характерли фактлар танлаб олинганлиги, ихчам баёни билан бошқа тўпламлардан фарқ қилади.

Асар олий ўқув юртларининг тарих факультетлари учун Шарқ мамлакатлари тарихидан ўзбек тилида чиққан биринчи қўлланмалиги билан айниқса диққатга сазовордир.

Китобнинг дастлабки бобларида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг жаҳоншумул тарихий аҳамияти баён этилади. Бу революция янги давр—капитализмдан коммунизмга ўтиш, коммунизм тантанаси даврини бошлаб берганлиги ҳақида таъкидлаб ўтилади.

Совет ҳукуматининг ҳаётбахш қарорлари, тарихий декретлари бутун жаҳон мазлум халқлари учун, шу жумладан шарқ халқлари учун озодлик, тенглик, тинч-тотувлик гимни бўлиб янгради.

«Совет ҳукуматининг ер ҳақидаги, саноат ва транспортни национализация қилиш ҳақидаги декретлари, — деб ёзади автор — ленинча миллий сиёсатнинг ютуқлари, Россиянинг чет эл капитали билан тузган битимларининг бекор этилиши, тенг ҳуқуқлилик, дўстлик ва тинчлик асосидаги ташқи сиёсат — буларнинг ҳаммаси шарқни тобора революционлаштиради».

Шарқ халқлари Улуғ Октябрнинг ташкилотчиси ва йўлбошчиси В. И. Ленинни буюк ҳалоскор сиймо деб биладилар. энг қизғин ва оташин табрик сўзларини доҳий Ленин номига йўллайдилар, унинг буюк сиймосида Октябрни қутлайдилар.

1919 йили Ҳиндистон мусулмонларининг атоқли жамоат арбоби Муҳаммад Бокатулло «Россияда инсоният озодлигининг тонги отмоқда, инсоният учун бахтли бу куннинг ёркин қуёши Ульянов Лениндир» деб ёзган эди.

Китобда мустамлака зулмига қарши курашда Шарқ халқлари бирдамлик ҳаракатининг тобора зўр куч билан намоён бўлиши мустамлакалар ва қарам мамлакатлар ўрнинга ўнлаб янги давлат вужудга келганлиги кўрсатиб ўтилади. Мустамлака асоратидан қутилган ёш мустақил давлатларнинг СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлиги, дўстона алоқаларининг тобора ўсаётганлигини ва у мустаҳкам асосга эга эканлиги, Совет Иттифоқининг ёш давлатларга бегараз ёрдами китобхонда катта таассурот қолдиради.

Китобда автор Шарқ мамлакатларининг ҳар бири устида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтади.

Маълумки, Улуғ Октябрь социалистик революцияси араб шарқи мамлакатларига айниқса кучли таъсир қилди. Жумладан араб шарқи халқларининг мустамлакачилар ва реакцион феодалларга қарши кураши илғор стихияли тарзда бўлса, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг бу кураш уюшган ҳолда мунайян мақсадга йўналтирилганлиги билан ажралиб турди. Китобда араб шарқи мамлакатлари Бирлашган Араб Республикаси, Ирок, Ливан, Сурия, Судан, Жазоир, Яман, Марокаш, Иордания устида қисқача справкалар берилади. Бу мамлакат халқларининг миллий-озодлик ҳаракатлари, уларнинг ўз мустақиллиги йўлида олиб борган курашлари устида тўхталади.

Абдуқодир Қиргизбоевнинг «Улуғ Октябрь ва Шарқ мамлакатлари» китоби шарқшуносликка қўшилган янги ҳиссадир. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллик юбилейига бағишлаб нашр этилган бу китоб Шарқ халқларининг ярим асрлик тарихий тараққиётида Улуғ Октябрнинг беқиёс роли кўрсатиб берилганлиги билан ҳам қимматлидир.

С. МЎМИНОВ,
А. ТЎРАЕВ.

САНЪАТ МУЗЕЙИГА МАРҲАМАТ

Гоголь кўчасидаги Ўзбекистон Давлат санъат музейи ҳаммамизнинг севимли тамошагоҳимиз эди. Зилзила бўлди-ю, унинг биноси ишдан чиқди. Ҳозирда унинг ўрнида линган музейни ўн Ўрта Осиёда энг гўзал ва ҳашаматли бино қуришга киришилди.

Музей экспонатларичи. Минглаб нодир асарлар Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг маданият саройига кўчирилган эди. Саройда вақтинча ташкил қилинган музейни ўн минглаб кишилар кўришди.

Мана энди Қуйбишев кўчасидаги марказий кўргазма зали музей ихтиёрига берилди. Яқинда музей тантанали суръатда очилди.

Т. АБДУЛЛАЕВ,
музей ходими.

ЮЗ ЁШ ОСТОНАСИДА



Мен бу табаррук номни айрим мақола ва санъаткорларимиз ҳақидаги китобчаларда ўқиган эдим. Мана Ян Пеккернинг «В. А. Успенский» деган китобидан бир-икки сатр: «...Успенский чормақомдан яхши хабардор кишиларнинг бири — атоқли ҳофиз ва созанда Шораҳим Шоумаров билан танишди... Шоумаров билан бир, неча йил бирга ишлади ва бунинг натижасида чормақомдан анчагина қисмини нотага ёзиб олди».

М. Аҳмедовнинг яқиндагина нашрдан чиққан «Юнус Ражабий» номли китобчасида эса қуйидагиларни ўқиймиз: «Юнус ака Шораҳим Шоумаровдан «Шаҳноз», «Баёт», «Кўча боғи», «Илтор» ашулаларини ва айрим чолғу йўлларини мукаммал ўрганиб олди».

Бир вақтлар профессор Виктор Александрович Успенский билан ижодий ҳамкорлик қилган ва ҳозирда академикликка даражасига кўтарилган Юнус Ражабийга устоз бўлган атоқли санъаткорни кўриш ва у билан суҳбатлашиш иштиёқи туғилди менда.

Сўраб-суриштирдим м. Шораҳим ота Уйғур кўчасининг Чақириқ проездидаги ҳовлисида истиқомат қилар экан. Табаррук хонадонга бориб, сўл томондаги хонага кирдим. Ота билан саломлашдим. Бобога термуламан. Наҳотки шу кичкинагина каравотда ёнбошлаб ётган одам атоқли санъаткор, қанчадан-қанча донгдор созанда ва хонандаларнинг устози Шораҳим Шоумаров бўлса?! Ҳа, шу киши экан.

— Тўқсон иккига бордим-у — аста сўз бошлади ота,— кўнгил ўн саккизда.

100 ёш остонасида турган Шораҳим ота бир зум ҳаёлга толдида, қадим замондошлари мавлоно Мукимийни, Тошкент шоирларидан мавлоно Камий, Хислат ва Мискинни, атоқли санъаткорлардан Ҳожи Абдулазиз, Мулла Тўйчиларни эслади. улар ҳақидаги хотираларидан сўзлаб берди.

Шораҳим ота сўздан чарчагани учун бўлса керак, тахмонни кўрсатиб:

— Ўғлим, ана шу ерда бир тугунча бор. шуни олинг,— деди.

Олиб, отанинг қўлига бердим.


— Мана шу ерда менинг баъзи ҳужжатларим, бемалол кўраверинг,— деди ота тугунчани менга қайтариб.

Ҳужжатларни бирма-бир кўздан кечираман. Ён дафтаримда мана шундай жумлалар пайдо бўлади.

Шораҳим Шоумаров бундан бир асрча муқаддам Тошкентда гулкор-уста онласида дунёга келди. Бир неча йил ота касби билан машғул бўлди. Бу орада созанда ва хонандаликни пухта ўрганди. Улуғ Октябрь инқилобигача ҳам эл орасида машҳур ҳофиз ва созанда сифатида донг таратиб, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Қўқон. Исфара каби шаҳарларда катта обрў қозонди.

Октябрь революцияси шоди-ҳуррамлик билан қарши олган Шораҳим Шоумаров 1918 йилда ташкил топган санъаткорлар союзига биринчилардан бўлиб кирди ва озод Ватан хизматига бел боғлади.

1919 йилда Тошкентда музика техникуми ташкил этишда фаол қатнашди ва шу ерда педагоглик қила бошлади. Музикашунос В. А. Успенский ҳам шу ерда ишларди. Шораҳим ота у билан дўстлашди ва ижодий ҳамкорлик қила бошлади.



Музикашунос В. А. Успенский Шораҳим Шоумаров ижросидаги «Дугоҳ Ҳусайн» (олти қисмдан иборат), «Баёт», (олти қисмдан иборат). «Чоргоҳ» (беш қисмдан иборат), «Гулёр Шаҳноз» (олти қисмдан иборат), «Насрилло» (олти қисмдан иборат) ва кўплаб халқ музикаларини ёзиб олди.

Шораҳим Шоумаров дастлаб Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» музикали драмасига, 1922 йилда эса Навоий достони асосида шоир Хуршид ёзган «Фарҳод ва Ширин» музикали драмасига музика басталади. Ўша давда бу асарлар саҳналаримизда қайта-қайта ўйналди ва катта шуҳрат қозонди.

МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИМИЗ

Шораҳим Шоумаровга 1925 йилда Ўзбекистон халқ ҳофизи, 1944 йилда эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвони берилди.

Шораҳим Шоумаров бир неча йил давомида Ўзбек Давлат музика техникумида шарқ чолғу асбобларн ва шарқ музикасидан дарс берди. Юнус Ражабий, Пўлатжон Раҳимов, Имомжон Икромов каби қатор санъаткорлар шу ерда таълим олишган эди.

Шораҳим Шоумаров ўзбек миллий чолғу асбобларини такомиллаштириш борасида ҳам тинимсиз иш олиб бориб. улкан муваффақиятларга эришди. Созанда ва хонандаларга неча ўнлаб чолғу асбоблари ясаб берди. У яратган созлардан бири ҳозир Москвадаги Революция музейида сақланмоқда. Шораҳим ота 1952 йилда улуғ пойтахтга йўлланган бу торини «Коммунизм сози» деб атаган эди.

Шораҳим ота Шоумаров ўзбек маданиятини гуллаб-яшнатишда ва талантли шогирдлар етиштиришда қилган хизматлари учун уч марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. У бир неча йилдан бери пенсияда.

Шу сўзларни ён дафтаримга ёзиб бўлдим-да, ҳужжатларни Шораҳим ота қўлларига узатдим ва у киши билан хайрлашдим.

У. ЮСУПОВ.

СУРАТЛАРДА:

Шораҳим ота 1920 йилда ясаган ғижжагини қўздан кечирмоқда.

Ш. Шоумаров ясаган «Коммунизм сози».

Р. Альбеков
фотоси.

ОКЕАНДА КОНЦЕРТ

Сузувчи «Василий Путинцев» балиқ консервалаш заводи тўлқинларда оҳиста чайқалиб, Тинч океан жанубига томон сузиб бормоқда. Унинг мачтасида Бутуниттифоқ балиқчилар мусобақасининг ғалаба вимпели ҳилпираяпти.

Денгиз гиганти тунги чироқлар нури билан чароғон, кема саҳнидаги динамикларн бадний ҳаваскорларнинг кема-завод клубида бўлаётган концертини — эстрада куйларини, завод ишчиси Юрий Бочковнинг Владивосток ҳақида ёзган қўшиғини, Анна Назарова ижросидаги «Волга бўйлаб куйига томон» қўшиғини эшитармоқда. Клубга ишдан бўшаган 700 дан кўпроқ ишчи тўпланган. «Қишки саройни штурм қилишдан тортиб, юлдузларни штурм қилишгача» деб аталган бугунги концерт 60 санъат ҳаваскорининг балиқ овлашда ўтган 8 ой мобайнида саҳнага қўяётган бешинчи программаси ҳисобланади. «Василий Путинцев» кема-заводининг артистлари денгиз қисқичбақалари овловчи флот ва балиқ овлаш траулерларига гастролга ҳам бориб келди.

Кема-заводдаги бадний ҳаваскорлик ишларига кутубхоначи Виолетта Киселёва, Бутуниттифоқ қизиқчилар конкурсининг дипломанти, балиқларни тилимлаш цехининг ишчиси Виктор Титаренко, матрос Александр Лифчиков, механик Михаил Ильин бошчилик қилмоқдалар.

Приморьедаги денгиз қисқичбақалари овлаш флоти ва сузиш бачаси бадний ҳаваскорларининг Совет ҳокимияти 50 йиллигига бағишланган кўриги «Василий Путинцев» кема-заводи артистларининг чиқиши билан бошланди. Конкурс жюриси «Василий Блюхер», «Михаил Тухачевский», «Сергей Лазо», «Павел Постишев» ва Тинч океанда иш олиб бораётган бошқа кўпгина базаларида ҳам бўлди.

Бу конкурс ўн минглаб балиқ овловчи ва уни пиловдан ўтказувчилар юбилей олди балиқ овлаш мавсумидан Владивостокка қайтиб келишгач якунланади.

Михаил МАГУТА.
(АПН).

«БАЛДАН СЎНГ» БАЛЕТИ

Лев Толстойнинг «Балдан сўнг» деган ҳикояси Белоруссия композитори Генрих Вагнернинг шу номдаги балетида мусиқий-хорегр а ф и к гавдаланди. Композитор ҳозирги замон музика воситалари орқали классик асарнинг инсонпарварлик руҳини, асар қаҳрамонларининг мураккаб руҳий дунёсини чуқур очиб беради.

«Балдан сўнг» балети энг хилма-хил музикали жанрларда самарали ижод этаётган 45 яшар композиторнинг кўп пардали учинчи балети ҳисобланади. Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Вагнер Жирардув шаҳрида туғилди, Варшавада музика билими олабошлади ва Белоруссия консерваторнясини тамомлади.

Совет Иттифоқида Вагнер ўзининг симфоник ва камер музикалари билан ҳамда рус, белорус, поляк, румин қўшиқларини қайта ишлаши билан танилган.

Ҳозир Генрих Вагнер Аркадий Кулешовнинг «Шонли юриш ҳақида қўшиқ» деган достони асосидаги биринчи белорус телевизион операси устида ишлаяпти.

«Балдан сўнг» балети Минскдаги Катта опера ва балет театрида саҳнага қўйиш учун қабул қилинди.

(АПН)

АДАБИЙ МЕРОСИМИЗДАН

АБДУРАЗЗОҚ АБДУЖАББОР ЎҒЛИ ФАҚИРИЙ

ЎЗБЕК совет адабиёти ўзининг ҳозирги камолот даражасига бемашаққат ва осонликча етиб келмади. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг фарзанди бўлган бу адабиёт туғилиши, шаклланиш ва камолот сари интилишнинг қийин, мураккаб йўлини босиб ўтди. Бу курашнинг илк палласида адабиёт майдонига қадам қўйиб, янги замоннинг янгича гояларини куйлаган неча ўнлаб арбоблар бор. Шулардан яна бири Абдураззоқ Фақирийдир.

Хевада туғилиб ўсган ва шунда вояга етган Абдураззоқ Абдужаббор ўғли Фақирий (1886 — 1925) тўққиз юзинчи йилларнинг аввалида адабий ижод майдонига кириб, тез орада Аваз, Мутриб, Баённй каби даврнинг илғор адабий ва маданий арбоблари сафига қўшилди. Ўзининг мустақил овози, шеъриятга талабчанлиги, феодал-сарой адабиётининг мистик кайфиятлар, завқу сафо ва эротик ишқни ташвиқ қилувчи назмбозларига қарши шеърий сози воситасида қатъий ва кескин жавоб берди, кўп қиррали маданий фаолияти соясида халқ орзусида «Шоир Фақирий», «Хаттот Фақирий», «Наққош Фақирий», «Уста Фақирий» сифатида маълум ва машҳур бўлди. Ўзининг сероҳанг ва ҳаётсеварлик завқи-шавқи билан йўғрилган ғазалларида олам гўзалликлари ва инсон латофатини тараннум этди. Ўткир ижтимоий мазмун билан суғорилган ҳажвияларида зулм, истибдод ва ҳокимларнинг ярамас кирдикорларини фош этди. «Замона улуғлари»ни халқ назарида шармандаи шармисор қилди. Адолатсизлик, ҳақсизлик ва инсофсизликка қарши кескин норозилик баёни этди. Шунинг учун ҳам шоир Фақирийни хон ва сарой аъёнлари қаттиқ таъқиб остига олдилар, бир неча бор жазога тортдилар. Лекин ҳақгўй шоирнинг овозини ўчиришдан ожиз қолдилар. Шоир жазо ва таъқибларга қарши ўзининг «Эй сипоҳи», «Муллолар», «Тағойи Сўфи ҳажви», «Савдогарбачча ҳажви» каби ҳажвий манзумаларн билан жавоб айтди ўзи танлаган ҳақ йўлдан қайтмади. Аксинча, 1916 йилда ёзган бир мухаммасида хонликдаги мудҳиш истибдоднинг ҳақиқий манзарасини рўй-рост кўрсатди:

Қозию муфти аълам бир-бирга бўлди ҳамдам,
Кесар мазлум бошини тўкар қонин дамо-дам,
Адлу инсоф йўқолди, дорларга тўлди олам,
Хор ўлди ит, пишакдин бечора насли одам,
Тиги ситам ёғилмуш мардум бошига ҳар дам,
Фатво берубдур аълам, эл моли бўлди ғорот,
Қозиға қилса арз эл, қолур доғи қиёмат,
Ғовғойи муфти қилғай, сўнг бўлғуси аломат,
Гар бўлса сенда минг жон, қолмас бири саломат,
Тиғу ситам ёғилмуш мардум бошига ҳар дам.

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам Фақирий ўз сафдош ва фикрдошлари билан баҳамжиҳат Революция арафасидаги ўзбек классик демократик адабиётини оригинал асарлар билан бойитди. Инсонни улуғлаб, адолат, халқпарварлик ғояларини изчиллик билан ташвиқ этди. Ижтимоий бахтсизлик ва феодал тузум маразларини бесамон фош этди. Шоир ҳаётидаги бахтсиз ҳодисалар, «замона улуғ»лари тарафидан унга «ҳадя қилинган» қулфатлар унинг оташин қалбини сўндиролмади. Ҳаётдаги кураш ва тўқнашувлар жараёнида Фақирий ғоявий тобланди, чиниқди. Шу туфайли Фақирий халқимиз тарихи ва тақдиридаги улуғ революцион ўзгаришни ўз эли ва юртининг софдил, садоқатли ва оташин кўичиси сифатида қаршилади. Хотортганлигини, эл-юрт бошида «адлу инсоф қуёши» ҳаётбахш нур сочганлигини жўшқин ҳарорат билан куйлайди, меҳнат аҳлларининг самимий қувонч туйғуларини ифодалайди. Элга муяссар бўлган бахт, саодатнинг манбаи ва сабабкори Ленин бошлиқ Коммунистик партия, рус пролетариатининг биродарларча чўзган ёрдам қўли эканлигини тўғри англайди ва ҳаққоний талқин қилади. Бундай огаларча раҳнамоликни чин қалб ва самимий юракдан мадҳ этади.

Фақирий совет ҳокимиятининг собитқадам жарчиси ва ташвиқотчиси сифатида янги ижтимоий тузумнинг буюк моҳияти ва ҳаётбахш қудратини «Ҳуррият мадҳи», «Аҳли шуарога» каби қатор шеърларида тўла ва ҳар тарафлама намойиш қилиш ниятида революция вужудга келтирган эр-

ШОИР, ХАТТОТ, НАҚҚОШ ВА ЖУРНАЛИСТ

разм халқ Шўролар жумҳуриятининг дастлабки кунларидан бошлабоқ у ўзининг қизғин адабий-ижодий ва ижтимоий фаолияти билан янги ҳаёт учун курашаётган меҳнаткаш халқ билан ҳамқадам бўлди. Жанговар революцион курашчанлик руҳида ёзилган шеърлари билан янги туғилиб ва шаклланиб келаётган ўзбек совет адабиёти намояндаларининг олдинги сафларида бўлди. Шоир коммунистик партия сафига кириб. Хоразм халқ Шўролар жумҳуриятининг маориф маданият назоратида масъул котиб, «Инқилоб қуёши» газети редколлегия аъзоси бўлиб ишлади.

Фақирийнинг 1920—1925 йиллар мобайнида ёзилган «Мадҳи Ленин» «Октябрни куйлайлик», «Паёми Ленин», «Ленин вафотига». «Чин ҳуррият». «Аҳли ашъорага», «Уринг, янчинг сакларни», «Хоразм ёшларига», «Зулмат замони ёнди», «Янги мактаблар», «Мустабидлар, қон йиғланглиз» каби шеърлари ёш ўзбек совет адабиётининг яхши ва бақувват намуналари сифатида майдонга чиқди.

Фақирий мазкур шеърларида Ленин ва Коммунистик партиянинг етакчилигида меҳнаткаш халқ хонлик салтанати, асрий зулм ва истибдод, ҳақсизлик ва жаҳолат қасрини тахтдан тобутга кинлик ва адолатни кечмишдаги сохта «ҳуррият»лар билан таққослаб «Янги тузумнинг барпо қилиниши халқ бахтининг туғилган куни юртнинг баҳори»,—деб таърифлайди. Шоир ана шу «асл бизнинг ҳуррият»ни қадрига етиш, уни Жунайдхон босмачи галаларидан мардона туриб ҳимоя қилиш—ҳар бир эрксевар одамнинг муқаддас бурчидир, деб хитоб қилади. Меҳнаткашларни бир ёқадан бош чиқариб, эл бахтига човут солаётган қонхўрларга қарши ҳаёт-мамот курашига ундайди.

Фақирий революциядан кейин яратган бир қанча шеърларида, маърифат ва маданиятни халқ орасида кенг ёйишни ташвиқ қилади. Шоир «Янги мактаблар», «Ўқимок замони» каби шеърларида илм-фанни эгалламай туриб, «эл орзу қилган бахти балад»ни қуриб бўлмайди. деган фикрни илгари сурди.

Фақирий ижодининг аъло фазилатларидан бири шундаки, шоир ўзбек совет адабиёти тарихида биринчилардан бўлиб ўз тушунчаси ва имкониятлари доирасида шеъриятда улуғ Ленин образини яратишга интилди. Шоир янги замон мадҳида ёзган муҳаммасларининг айрим бандларида, ниҳоят. «Мадҳи Ленин», «Паёми Ленин». «Ленин вафотига» каби шеърларида Ленинниинг революцион кураш ва унинг ғалаба қозонишида ўйнаган раҳнамолик ролини чуқур ҳаққонийят ва самимият билан тараннум этди. Ленинни қуёшга таққослар экан, шоир: «У қуёш барчага баробар оўлса-да мазлум кулбасини ёритмади, янги туғилган бу қуёш эса жафо чекканлар дунёсига янгидан ҳаёт бахш этди», — деб жуда ҳаққоний ва оригинал ташбиҳ яратди Шу нарса ғоят характерлики шоир мазкур шеърларида замона кун тартибида турган реал ва муҳим ҳаётий вазифаларни тўғри англайди. Янги жамият барпо қилишда шоирнинг ўрни ва хизматини тўғри идрок этади ҳар бир ишда Ленин таълимоти ва кўрсатмаларига амал қилишни қизғин ташвиқ этади:

Эй Фақирий, бас, унутма кечмиш ул мудҳиш кунинг.
Ҳар ишингда раҳнамо бил Ленин(н)инг айтмиш сўзи.

Шоир «Ленин вафотига» шеърида ўз ижодининг янги бир ғоявий-бадиий фазилатини намойиш қилди. Яъни шоир марсияда жаҳон меҳнат аҳлининг мислсиз қайғу ва андуҳини чуқур ички дард билан самимий юрагдан ифодалар экан, классик шеъриятдаги марсиянависларга ўхшаш. одамларни кўз ёшлари тўкиш ва ғамалам денгизига ғарқ бўлиб кетишга ундамайди. балки Ленин жисман ўлган бўлса-да. унинг буюк ишлари, улуғвор табаррук руҳи эзу юртнинг кураш ва интилишларида. Ленин яратган донишманд Коммунистик партиянинг фаолиятида абадий яшайди, деган ғоянн ташвиқ этади:

Бас, Фақирий, бўзлама етим қўзидек даҳраро,
Шукр бизга раҳнамодур фирқайи Ленин букун.

Фақирий революциядан кейинги шеърларини ҳам арузда ёзди, асрий мавжуд адабий шакллар воситасида янгича мундарижа ва ғоявий-бадиий муддаони ифодалади.

Фақирий, эмди йиғ сен ҳам бу маҳзум нағма-созингни.

Янгидан соз этиб шеъринг, дегил мадҳини ҳуррият,—дея шеърий созда янги замон мадҳини яратишни ўзининг чин инсоний бурчи, деб билди. Чин шоир—ўз халқи билан ҳамфикр, давр билан ҳамнафас, ҳаётнинг муаззам тарихий оқими билан ҳамқадам бўлмоғи даркор эканлигини ижодкор бахтининг аъло ғояси деган ҳулосага келди ва шу мақсадни сўнгги нафасига қадар изчиллик билан давом эттиради.

Фақирий узоқ умр кўролмади. Хонлик даврининг қийноқ ва азоблари, таъқиб ва таққирлари ўз «самаралари»ни кўрсатди. Ижоди ва ижтимоий фаолиятининг баркамол бир палласида 1925 йилнинг январида Хевада вафот этди.

Муҳаммаси замона

Бонг урди инқилобот, мазлум эли уйғонди,
Кўрсатди қудратини, дарё каби тўлғонди,
Зулм аҳли барбод бўлди ўз қонига булғонди,
Забри қудурат итти, жонлар-жонга уландн,
Шукр, зулмат замони, ғазаб ўтига ёнди.

* * *

Дейин сиза ҳиқоят хонларнинг қилмишидин,
Айтай яна ривоят малъунларнинг ишидин,
Йўқсулга боқмай ўтган сон минг ёзу қишидин,
Дуд қоплади фалакни мазлумнинг нолишидин,
Шукр, зулмат замони ғазаб ўтига ёнди.

* * *

Хонларга тикка боқмиш шаҳло нўзлар уюлди,
Элпарвар эр йигитлар бари қўйдек сўюлди,
Арбобу оқсоқоллар кўзига қон қуюлди,
Бадбин қилмишларига ёмон ёғгор қўюлди,
Шукр, зулмат замони ғазаб ўтига ёнди.

* * *

Жабру ситам кўпидин чашмим сер об ўлди,
Бечоралар кўз ёши юз мингча ёб ўлди,
Ҳасрат тўлуб жаҳона диллар хуноб ўлди,
Қаллобу энағарлар хонга арбоб ўлди,
Шукр, зулмат замони ғазаб ўтига ёнди.

* * *

Биродарлар келтурди Ленин ўртоқ саломин,
Коммунист фирқасининг меҳру шафқат паёмин,
Элга муяссар этти озодлиг низомин,
Ёндурди, елға берди зулм аҳли хони монин,
Шукр, зулмат замони ғазаб ўтига ёнди.

* * *

Ленининнинг ҳар каломи жонбахш энсир ўлди,
Сўзлар сўзи табаррук бедилга таъсир ўлди,
Ўшал чашма зиёдин оламга нур тўлди.
Аввалда жабр чеккан, шукр, энди ҳур бўлди,
Шукр, зулмат замони ғазаб ўтига ёнди.

* * *

Ленин ўртоқ демушким: бас, энди қўзғалинглар,
Бу тахту салтанатни йиқинг, гўрга тиқинглар,
Обод этибон элни оламга нур ёқинглар,
Эл майлича иш айлаб, бахти баланд қурингларн,
Шукр, зулмат замони ғазаб ўтига ёнди.

* * *

Менден юз минг фақирлар ғафлатдан бош кўтарди,
Зулмат қасрин янчмоқға алина дош кўтарди,
. . . . . [1]
Ленин—сабот туғини қари-ю ёш гўтарди,
Шукр, зулмат замони ғазаб ўтига ёнди.
1921.

1) Шу мисрани ўқиб бўлмади. Қалам билан ёзилгани учун ўчиб кетган.

Э Й ПАЛИД

Бошда балосан, эй палид,
Танда яросан, эй палид,
Жонга жазосан, эй палид,
Юртни бузарсан, эй палид,
Эл бошидин соғор этуб,
Лиммо-лим қонга тулдуриб,
Пайдар-пай они сибқоруб,
Хунхўрдурсан, эй палид.
Зўлмингни ҳаддин ошуриб,
Ҳақгўй оғизга тош уруб,
Ҳар дам фахшингни ёшуруб,
Безоридурсан, эй палид,
На ёш демайин, на қари,
Қатл эттинг занлари,
Гўёни хунхўр барбари,
Таррордурсан, эй палид.
Ёзди фақир кирдорингни,
Олмай тилга бадноминги,
Иблиснамо дийдорингни,
Ҳар хардурсан, эй палид!
1916.

УРИНГ, ЯНЧИНГ САКЛАРНИ!

Замон меҳнат замони, йитсин элнинг ёмони,
Ҳеч бермайин омони, уринг, янчинг сакларни.
Эслаб ўтмиш кунларин, сермаишат тупларин,
Яна истар хунларин, уринг, янчинг сакларни.
Сардоридур Жунайд, билсанг асли палид ит,
Юртни қилмоқчи гит-пит, уринг, янчинг сакларни.
Элнинг қонин сўрмоқчи, инжиликға сотмоқчи.
Боз, ишратга ботмоқчи, уринг янчинг сакларни.
Кетти ётар замони, етди қураш замони.
Битмиш хонлар замони, уринг, янчинг сакларни.
Жамъ бўлмоқлик бир ерга ҳам фарз эрур ҳар эрга,
Боқмай қаллоб сўзларга, уринг, янчинг сакларни.
Ўзбек-у туркман қардош, ҳар ишдадурлар қўлдош,
Кўтаринг қардошлар бош уринг, янчинг сакларни.
Ҳей, Хоразм эрлари, алп келбат шерлари,
Гўё тўфон еллари, босинг, янчинг сакларни.
Фирқамиздур бизга бош, биродарлардур йўлдош,
Ҳар ишдадур орқадош, қўрқмай уринг сакларни.
Дерки Фақир: ёронлар, қўлга ҳуқуқ, олонлар,
Меҳнат элин ёвларин: уринг, янчинг сакларни.

(Бу шеър 1922 йилда шоир Баённинг «Хоразм ёшларига» шеъри билан биргаликда Хоразм Компартияси МК тарафидан алоҳида ташвиқот варақаси сифатида Хевада нашр этилган).

ШОИР ЎЗ АҲВОЛИ ҲАҚИДА

Кичиликдан тушиб бошимга қулфат,
Замоне бўлмадим бепарвою меҳнат.
Ишим мискинлик ичра бўлди мушкул,
Муродим бўлмади ҳеч ишда ҳосил.
Кўнгилда кун-бакун ҳар турли қайғу,
Мудом бебахт, жаҳон кўзга қоронғу.
Неча йил ғамга бўлдум мубталолиғ,
Фароғу айшу роҳатдин жудолиғ.
Чекиб ҳар турли ҳасрат эртаю кеч,
Маломатдин саломат бўлмадим ҳеч.
Менга хос эрди доим дарду ғамлар,
Етиб даҳр аҳлидин ранжу ситамлар.
Кима қилсам зиёфат, яхши хизмат,
Чиқиб кулбамдин эттилар надомат.
Мен айлардим ҳама мўминга ихлос,
Мана ўйнар эдилар омила хос.
Десам бошдин-аёғ қиссам узунроқ,
Ки шарҳи «Шаҳнома»дин фузунроқ.

ҚОН ЙИҒЛАНГИЗ

Эй тазаллум аҳли, эмди йиғланғиз, қон йиғланғиз,
Элни қони сизни тутди, йиғланғиз, қон йиғланғиз,
Давлатингиз ер ютди, йиғланғиз, қон йиғланғиз,
Савлатингиз ела кетди, йиғланғиз, қон йиғланғиз,
Дағдағангиз, шукр, битди, йиғланғиз, қон йиғланғиз,
Мазлум эллар ханда этди, йиғланғиз, қон йиғланғиз.
Навбат эмди сизга етди йиғланғиз, қон йиғланғиз,
Йиғлатибон мазлум элни кўп замонлар қон-қон,
Қон ёшидан ичти тинмай ҳаз этибон бода хон,
Меҳнат аҳли зору саргардону топмай бурда нон,
Кўп гуноҳсиз қиз ўғиллар минг азобда берди жон,
Сиз аларга фош этибон ҳар ситамни беомон,
Оч бўридек эмди увларсиз чекиб оҳи-фиғон.
Навбат эмди сизга етди, йиғланғиз, қон йиғланғиз.
Хонларинг қилғон ишини ғар десам тиллар куяр,
Балки тил йўқ ўртанибон бу хазин диллар куяр,
Минг жафою жабрин эслаб вой деб, эллар куяр,
Сув бўлибон тоғу тошлар, эсган ул еллар куяр,
Ҳар чаманда тар очилғон юз туман гуллар куяр,
Гулни мадҳи бас деюбон, оҳ булбуллар куяр,
Навбат эмди сизга етди, йиғланғиз, қон йиғланғиз,
Ҳуррият нури ёйилди шуъласи оламча бор,
Камбағаллар кулбасини нур ёртди бешимор,
Эл-элатлар ёвлашурди, эмди бўлди ёр-ёр,
Қора қалпоқ ўзбаку туркман эрур бир-бирга ёр,
Куйлашайлик эрк куйини барча айтиб ёр-ёр,
Савтимиздан янгласун аҳли залолат зор зор,
Навбат эмди сизга етди, йиғланғиз, қон йиғланғиз.
Шукр қилғил, эй Фақирий энди эрмасан фақир,
Нағмайи ашъоринг эрмастур ҳазин бас сен ҳақир,
Ҳуррият созини чалғил дамба-дам, элни чақир,
Эрклик чашмини сурсин ҳам ятиму ҳам сағир,
Айб эмастур бу муборак кунда сипқармоқ чоғир,
Еру осмондир чароғон маърифат нури ёғур,
Ҳур элатлар, соз чалибон ўйнангиз, жон ўйнангиз.

1) Ҳаз этиб — ҳузур қилиб.

1921 йил, март.

МАДҲИ ЛЕНИН

Васфи Ленинни десам, хуршиди анвардур ўзи,
Инқилоб этти жаҳонни сўзлаган ҳар бир сўзи.
Гарчи хуршид бор эди, мазлум дилин ёрутмади,
Эмди бўлди икки хуршиддин мунаввар Ер юзи.
Не хуш ул ким, чеҳрайи Ленин зиёсидин бу кун,
Равшан ўлди нобиноларнинг бори кўнгул кўзи.
Мустабид хонларни пойи остида биз хор эдук,
Шабни ҳам қилди чароғон, шукр, Ленин юлдузи.
Халқ учун жаҳду жадаллар айлади ҳеч тинмайин,
Элни зулмат кечасин қилди мунаввар кундузи.
Ёзди ҳурликнинг китобин, билмайин ороми ҳеч,
Кулфату ғам кетти-ю ёрушти мазлумлар юзи.
Аҳли йўқсул баҳраманд Ленин низомидин, билинг—
Топти инсонлик ҳуқуқин ҳам эри-ю, ҳам қизи.
Қилди дунёда баробар эрни ҳам, хотунни ҳам,
Бўлди асрий дардга малҳам доҳининг айтмиш сўзи.
Эй Фақирий, бас, унутма кечмиш у мудҳиш кунинг,
Ҳар ишингда раҳнамо бил Ленининнинг айтмиш сўзи.

«Инқилоб қуёши», 1923 йил, ноябрь сонн.

Ленин вафотига

Еру кўк мотамсародур халқ фиғониндин бу кун,
Чунки Ленин кўз юмубдур ушбу оламдин бу кун.
Ҳар сўзи адли инсомда дурри-ю гавҳар эди,
Бу жавоҳир маҳзанидин, оҳ жудо бўлдик бу кун.
Ҳар каломи жонфизосидин бўлурдик баҳраманд,
Бу табаррук тўтмедин эл жудо бўлди бу кун.
Ул қуёшдек жилва айлаб қасри эзлматни бузиб,
Не балолиғ кун бу кунким, ул қуёш ботди бу кун.
Барча олам тожу тахт аҳлиға ғулғул солди ул,
Зарбасидан титрашур гўё герак барги бу кун.
Мустабидлар хону- монин ёндириб тутган ишк,
Бўлди мазлумлар жудо олам знёсидин бу кун.
Куйгил эй ғаддор фалак, нечун ажал бор айладинг!!
Йўқса, Ленин бошимизда умр абад турғай эди.
Бас, Фақирий, бўзлама етим қўзидек даҳр аро,
Шукр бизга раҳнамодур фирқайи Ленин бу кун.

1924.

Ҳуррият мадҳи

Маломат, можаролардан бизи қутқорди ҳуррият.
Мусибат, қулфату ғамдин бизи қутқорди ҳуррият.
Халойиқ бошидин дафъ айлади қонли сафолатни,
Адолат нури бахш этти хазин дилларга ҳуррият.
Бероний[1] ҳуриятни мустабид Исфандиёрхон ҳам,
Қачон бўлгай анга тенгдош бизим бу асл ҳуррият.
Фақирий, эмди йиғ сен ҳам фақирлиғ нағма созингни,
Янгидин соз этиб шеъринг, дегил мадҳини ҳуррият.

1) Бероний — бёрган эди маъносида. Шоир бу ўринда 1917 йил апрель ойида халқ норозилигини сусайтириш ниятида Исфандиёрхон томонидан эълон қилинган ҳуррият ҳақидаги сохта фармонга ишора қилади.

Янги мактаблар

Билингкким, тоза даврон жарчисидур янги мактаблар,
Жаҳолат қасрини ҳам бузгусидур янги мактаблар.
Агарчи мадрасалар фиску бидъатга макон эрди,
Вале илму ҳунарлар маҳзанидур янги мактаблар.
Ун-ўн беш йил ўқибон ҳам ёзолмасди ўз исмини,
Ўн ойда бас саводхон этгусидур янги мактаблар.
Башар иқболи бахти манзилиға етказур, албат,
Ўқусан сидқидилдин, эътугусидур янги мактаблар.
Бизим бечора мазлум халқ англолмай сарингун эрди,
Алар қулфи дилини очгусидур янги мактаблар.
Фақирий, эмди келмиш фақир элининг даврү давронн,
Шу даврон мадҳини ҳам битгусидур янги мактаблар.

Э й сипоҳи

Эй сипоҳи, пойи бад коринг мудом озор эрур,
Чорасиз бечора халқ сиз наҳсид безор эрур.
Зулми тиғин тез этиб, озор этарсиз дамба-дам,
Кечалар жон ваҳмидин қўрқиб ҳама бедор эрур.
Қайси бир манзилға етса ул қудуми наҳсингиз,
Эл тўзубон ҳар тараф бечора-ю бемор эрур.
Юрт кезарсиз тинмайин гўё бўлуб ул дайди сак.
Пеша сизга юлқиб олмоқ, номингиз таррор эрур.
Гар кекириб қайси ерга борсангиз, бўлғай хазон,
Яшнаган боғу чаманлар боди баднн хор эрур.
Эларо бордур масал: «Сакдин суяк қарздорман»,
Балли, ҳар кас сиз палиддин «бир суяк қарздор» эрур.
Эй Фақирий, одамий насли эрурсан, ғам ема,
Яхши кунлар бизга ҳам шоядки бир кун бор эрур.

1916.

ПАЁМИ ЛЕНИН

Эй халойиқ, шод ўлунг,
Ғафлатдин бедор ўлунг.
Келди яхши меҳмонлар.
Кулди орзу армонлар,
Келмиш биродар сўзи,
Сўзи на, балки ўзи,
Иш билган эр йигитлар,
Ҳар бири шер йигитлар,
Жангларда хўб чиниққан.
Евларин гўрга тиққан,
Ленининдан таълим олган,
Ҳурликнн элга ёйган.
Онлар-ла келди бизга,
Эру зану ҳам қизга.
Узбек била турнманга,
Яна қорақалпоққа,
Ленин ўртоқ паёми,
Паёми на, каломи.
Паёмининг ҳар сўзи,
Лениннинг ҳудди ўзи.
Жонбахш эрур танларга,
Умид берар дилларга,
Демишлар ўртоқ Ленин
«Оёқ ости бўлганлар,
Дим[1] жафони кўрганлар,
Гарчи йироқ юртингиз,
Яқин бизга ўзингиз.
Истибдод даври битди,
Озодлик куни етди.
Басдур эмди йиғламоқ,
Жафолардан ниграмоқ.
Йиқдингиз жафо қасрин,
Синдириб тожу тахтин.
Хонлар йўқлуққа нетди,
Ишламоқ они етди,
Лек ҳали ёвлар тирик,
Унинг кучлари йирик,
Даркордур ҳушёр бўлмоқ,
Ҳар бир ишда бирлашмоқ.
Бирлашсангиз ёвларни,
Маҳв этарсиз дунларни.
Босмачи бўлса тирик,
Инглиз унга шерик.
Тинчлик бермас сизлар-а,
Дурмуш тушмас ислара,
Биродарлар мададкор,
Бўлур сизга ҳалоскор.
Бизлан на истасангиз,
Мадад даркор десангиз.
Юборурмиз барчасин,
Озуғи ҳам оҳчасин.
Мазлумларга бизлур ёр,
Кўмак этмакка тайёр.»
Ина гўрунг дувгонлар,
Ога-иний қардошлар.
Ленин паёми бизга,
Қон ютган элимизга,
Ҳаётнома йўлламиш.
Ёвни ларзага солмиш.
Бадбахт Жунайд ўгрини,
Маҳкам тутиб бўгзини,
Абад йўқотмоқ учун,
Гўрга тиқмоқлиғ учун,
Биродар-ла бир сафда,
Турайлик соғу сўлда,
Адоватни ташлайлик,
Хайр ишини бошлайлик.
Узбек, туркман бир бўлиб,
Қалпоқ-ла бир сафлашиб,
Ленин туғини ушлаб,
Душман кўзини ёшлаб,
Қўзғалайлик зўр жангга,
Қутлуғ жаҳду жадалга,
Фақирий дер: сизга ёр,
Бўлсун эллар мададкор.

1) Дим — қаттиқ беаёв.

Саҳифани филология фанлари кандидати Муҳсин ЗОКИРОВ тайёрлаган.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3 БЕТ

13 НОЯБРЬ, 1967 И.

Рубоий ва қитъалардан

Оламда бу сўз барчага машҳуру маъруф,
Ўз нафсидан айтур мутаналлум ҳасис мавсуф,
Ҳурматн ёронлигинг сақладим, илло,
Ҳажв айлар эдим юзингга олам дегуден «Туф!»

Келиб наврўз, олам бўлди гулзор,
Жаҳон бўлди фарахдин жаннатосор.
Фароғат бирла нарх арзон бўлғай,
Шифо топғай, илоҳо, жумла бемор.

Ийд қурбон келди ҳам нарх ўйнади, бўлди совуқ,
Нотавон бечоралар еттилар, ўлманга ёвуқ,
Бевалар кўз ёши ҳақки, ё илоҳи, раҳм қил,
Йўқса мўминлар дилидан чиқмас ўлди бу овуқ.

Исфандиёр-Исфандиёр,
Одамни қилдинг хор-зор,
Ёшу қари сендан безор,
Тангрим сени олса-чи!

Ер шаридан хабарлар

38-ПАРАЛЛЕЛДАГИ ИҒВОГАРЛАР

Жанубий Корея сепарат «давлати»нинг тутинган отаси «Американи нинг бош жосуси» Аллен Даллеснинг ўзи, Кореяда Америка ҳарбий авантюрасини бошлаб юборувчи эса унинг акаси дипломатия фронти даги «плашч ва ханжар» рицари Жон Фостер Даллес эди. Бу иғвонинг нима билан тугагани ҳаммага яхши маълум. Бир неча ўн минглаб америкалик солдат ва офицер Корея ерида ҳалок бўлди. Икки юз эллик мингдан кўпроқ америкалик йигит майиб-мажруҳ бўлиб қолди.

Корея Халқ Демократик Республикасининг қуролли кучлари, АҚШ босқинчилиги даврида (1950—1953) жами 1,090 мингдан кўпроқ босқинчини, шу жумладан 395 мингдан кўпроқ америкаликни йўқотдилар, яраддор қилдилар ва асир туширдилар. Бу босқинчилар БМТнинг ҳаворанг байрогини ниқоб қилган эдилар. Қисқа қилиб айтганда, оғир орқасидаги босқинчиларга ҳарбий бахт кулиб боқмади ва ҳозир Вьетнам ерида бўлаётганидек, бундан кейин ҳам бахт кулиб боқмайди.

Пхеньянда чиқаётган «Нодон синмун» газетасининг таърифлаб айтганидек, босқинчилар 38-параллелни милтиқ найзаси билан санчиб, Шимолий Корея вольфрами ва шолисини ўз қўлларига киргизиш, Корея ярим оролининг бутун бойликларига хўжайин бўлиш, уни Осиёдаги бошқа мамлакатларга босқинчилик қиладиган майдонга айлантириш ниятида Шимолга-Амнокана соҳилларига интилган эдилар. Оқибат натижада нима бўлди: АҚШ муваффақиятсизликка учради, халқлар ғазабига дучор бўлди, БМТнинг ҳаворанг байроғини шармандa қилди.

Урушоқ ака-ука Даллеслар ўрнига келган кишилар Кореядаги истилочилик юришидан тегишли хулоса чиқариб олишлари, ақл овозига қулоқ солишлари керак эди. Бироқ фактлар бунинг аксини кўрсатиб турибди.

18 октябрда Корея Халқ Демократик Республикасининг ҳукумати баёнот эълон қилди. Бу баёнотда: «Америка империалистлари Кореяда янги уруш очиш учун уринаётгани» кўрсатилади. Улар бутун деморкация чегарасида иғвогарликни авж олдирмоқдалар, кескинликни кучайтирмоқдалар.

Америка ва Жанубий Корея ҳарбий кисмлари КХДР давлат чегарасини қўриқлаётган Шимолий Корея постларини пулемёт ва миномётлардан ўққа тутган, Шимолий Корея кемаларига ҳужум қилган, Шимолий кореялик кишиларни ўғирлаб кетган ҳоллар озмунча бўлмади. «Ярашув тўғрисидаги битим тузилганидан буён ўтган вақт ичида,—дейилади баёнотда,—Америка томони бу битимни турлича 52 минг мартадан кўпроқ бузди.»

Кейинги ойларда 38-параллелда беҳаё иғвогарликлар тез-тез рўй бера бошлади. АҚШ ҳарбий қўмондонлиги бу ерга ўзининг танланган кисмларини, шунингдек Жанубий Корея армиясининг дивизия ва полк ларини келтириб қўйди. Пхеньян матбуотининг хабар қилишича, улар энг янги қурол-аслаҳалар билан, шу жумладан бошқариладиган «Ника Геркулес», «Онест Жон», «Матадор», «Ланкросс», «Хок» снарядлари, ҳамда саккиз дюймли замбаралар билан қурол лантирилгандир. Ҳали яқиндагина Корея жанубини ўрмаловчи танкларнинг шовқун-сурони, бомбардимончи самолётларнинг ғувуллаши ларзага келтирган эди. Ушанда Америка — Жанубий Корея ҳарбий маневрлари ўтказилган эди. Улар бу билан Шимолга қаратилган мушт кучини—«Энг янги қурол-аслаҳалар» қудратини намойиш қилиб кўрсатишни кўзда тутган эдилар.

38-параллел жанубидаги ҳарбий тайёргарликлар коммунистларга қарши пропаганда олиб борш, КХДРга қарши ҳўпол тухматлар қилиш, тараққийпарвар демократик ташкилотларга қарши қаттиқ чоралар кўлланиш билан бирга кўшиб олиб борилмоқда. Босиб олинган Жанубий Корея океан орқасидаги «маданиятчилар» ёрдами билан турмалар сонини кўпайтириб—836 тага етказиб, дунёда биринчи ўринни эгаллади! Сеул марказининг ўзидагина турмалар 13 та. Уларнинг ҳаммаси маҳбусларга тўлиб-тошиб кетган. Бунга концентрацион лагерларнинг тиконли симлари орқасига ташланган жанубий кореялик кўпгина ватанпарварларни ҳам қўшмоқ керак.

Сеулда чиқаётган энг ўнг газеталар «Кореянинг энг яқин дўсти Америкага ва «миллат хавфсизлиги» га суиқасд қилмоқчи бўлган киши ларга қарши «тозаловчи сув» пуркаган диктатор Пак Чжон Хини қаҳрамон деб атаб, гўё оммавий тозалаш ва қуршаб кўлга олишлардан кейин ўрнатилган «янги вазият»ни кўларга кўтариб мантаб оғиз кўпиртирмоқда. Улар Пак Чжон Хининг ҳукмронлиги даврида 23 партияни, 238 жамоат ташкилотини қонундан ташқари деб топиб, тарқатиб юборганини, юзлаб газета, журнал, китоб нашриётларини ёпиб қўйганини, тараққийпарвар арбобларни, ўзларига бўйсинмовчи муҳаррир, профессор, ўқитувчи, студентларни турмаларга қамаганини мунофиқлик билан завқланиб мақтамоқдалар.

Вашингтон ва унинг сеуллик қўғирчоқлари Жанубий Кореяни ҳарбийлаштиришни атайин кучайтираётганликлар и, ҳарбий телбаликни авж олдираётганликлари боргани сари равшанроқ кўринмоқда. Улар диктаторлик тартиб-усулига садоқатсизликда шубҳа туғдирган кишиларнинг ҳаммасини жазоламоқдалар. Бу ишларнинг ҳаммасида дастлабки Кореяда «иккинчи фронт» очиш зарурлиги ҳақида жар солаётган океан орқасидагилар ва маҳаллий «ҳалқат»лар актив ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳарбий иғвогарлик илҳомчиларининг хом хаёлича, Осиё қитъасидаги «иккинчи фронт» АҚШ нинг Вьетнамдаги ифлос урушига қатъий қарши чиқаётган, Жанубий Кореядан окнупация кўшинларини чиқариб юборишни, Япония халқига Окинавани қайтариб беришни, Американи нинг Осиё мамлакатларидаги ҳарбий базаларини тугатишни талаб этаётган халқларнинг озодлик кучларини йўқотишда хизмат қилиши керак.

«Калхатлар» Пентагонни Кореяда янги иғвогарлик бошлашга олиб келаолдиларми-й ў қ м и бу вақт кўрсатажак. Агар вашингтонлик сиёсатдонлар ва стратеглар қизиб кетган хомкалламлар измидан бориб, эсларини йўқотиб қўйсалар, Пхеньянда чиқаётган «Нодон синмун» газетасининг таърифи билан бир нарсани аниқ айтиш мумкин. Кимки 38-параллелда ҳарбий енгин алангасини ёндирар экан ўша алангада ўзи ёниб йўқ бўлади.

Корея халқи ҳеч кимга тахдид қилгани ва қилаётгани йўқ. КХДР ҳукумати халқ манфаатини кўзда тутиб, Жануб ва Шимолни тинч йўл билан бирлаштиришга қаратилган фойдали таклифларни бир неча марта олдинга сурди. У ўзининг баёнотида: «КХДР ҳукумати ва Кореянинг бутун халқи Америка империалистларини Жанубий Кореядан чиқиб кетишга мажбур этиш, ватанни бирон ташқи куч аралашуви билан эмас, балки Корея халқининг ўзи томонидан демократик асосларда тинч йўл билан бирлаштириш учун бутун кучини сарфлайди» деб қайд қилиб кўрсатди.

Совет кишилари Корея халқининг ҳамма самимий дўстлари сингари Корея ватанпарварларининг адолатли курашини билан бирдамдирлар. Улар кореяликларнинг қонуний талабларини қўллаб-қувватламоқдалар. 38-параллелдаги империалистик иғволарни тўхтатишни, Корея ярим оролида ҳали ҳам кескин бўлиб турган вазиятни янада кескинлаштириш учун уринувчиларнинг танобини тортиб қўйишни талаб этмоқдалар.

А. ТКАЧЕНКО,
(АПН)



Голландия. Шимолий ва Ғарбий Европадаги қатор мамлакатларда кучли бўрон бўлиб ўтди. Кўпгина темир йўл ва автомобиль трассаларида дарахтлар қулаб тушганлигидан ҳаракат тўхтаб қолди. Бўрон жуда кўп талофотлар етказиб, катта моддий зарар келтирди.

Суратда: Амстердам шаҳри бўрондан кейин.

АПН—ТАСС фотоси.

СУД ЗАЛИДАН

ЗЎРАВОН ЖАЗОЛАНДИ

Валерий Николаевич Самойленко «Главташкентстрой»нинг 5-автобазасида шофёр бўлиб ишларди. Шу йил 11 август куни кеч соат 9 ларда у Чилонзор районида кетаётган 19 яшар Л. Базинс деган қизнинг йўлини тўсиб номусига тегмоқчи бўлади.

Қизни пичоқ чиқариб қўрқитади. Қиз қочади. Валерий унинг орқасидан қувлайди. Қиз уйи олдига келгач дод, деб қичқиради. Онаси тезда қизни уйга киргизиб, эшикни ёпиб олади. Орқадан етиб келган Валерий эшикни тақиллатиб, уни буза бошлайди.

Воқеадан хабардор бўлган қизнинг қўшниси Абдиев Валерийни тартибга чақиради. Валерий Абдиевга пичоқ билан ташланади.

Воқеадан хабар топган 48-уйда истиқомат қилувчилардан бир неча киши етиб келиб Валерийнинг қўлидан пичоғини тортиб олишади ва ўзини милицияга топширадилар.

Яқинда Чилонзор район халқ суди судья А. Склевая раислигида В. Н. Самойленконинг жиноий ишини кўриб чиқиб, уни тўрт йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Х. ТОШХЎЖАЕВ,
халқ маслаҳатчилари советининг раиси.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

РАДИОДА 13

НОЯБРДА ДУШАНБА

Биринчи

18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).

18.10 «ЁШЛИК БАЙРАМИ» деган музикали эшиттириш.

18.40 **Енгил куйлар.**

19.20 Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт (татарча).

20.00 «Меҳнат шарафи байроқдорлари», деган эшиттириш (русча).

20.10 «Қўшиқ —халқ мададкори» деган музикали эшиттириш.

20.45 **«Иқтисодий ислоҳот амалда»** циклидан. «Якунлар ва истиқболлар» деган эшиттириш (ўзбекча).

21.00 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кечки концерт.**

21.55 Саломатлигингиз ҳақида икки оғиз сўз (ўзбекча).

22.15 **Республика областлари театрлари артистларининг концерти.**

22.40 «ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ». Адабий эшиттириш (ўзбекча).

23.20 **Куйлар тинглаб дам оламиз.**

Иккинчи

19.00 Куйлардан-куйларга.

19.30 «Улуғ ва бузилмас дўстлик» деган радиокомпозиция (русча).

20.10 **Ўзбек халқ куйлари.**

21.00 Ш. Сиддиқовнинг «ИҚБОЛ» деган ҳикояси (тожикча).

21.20 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. Такрорий эшиттириш.

РАДИОДА 14

НОЯБРДА СЕШАНБА

Биринчи

8.25 **Классик куй шинавандалари учун концерт.**

9.30 **Музикали танаффус.**

10.10 М. Балакирев. «Тамара» симфоник поэмаси.

10.30 Топишмоқли концерт.

11.10 «Партия маорифи системасида янги ўқув йили» (русча).

11.25 **Чолғу куйлари.**

12.15 **Тошкент консерваторияси студентлари ва педагогларининг концерти** (ўзбекча).

13.30 Вокал ансамбллариниг концерти.

18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).

18.10 **Спорт эшиттириши** (ўзбекча).

18.40 Д. Соатқулов. **«Фарғона квартети».**

19.20 Қорақалпоқ куйлари.

20.00 «Кишилар бахтиёрлиги йўлида» деган эшиттириш (русча).

20.10 Совет армияси жангчилари учун концерт.

20.45 Атеистик темаларда эшиттириш (ўзбекча).

21.00 Пахтакорлар учун концерт.

22.15 Рақс куйлари кечаси.

22.40 **Ўзбек ҳикоялари антологияси.** Ҳамид Гулом. «Солдат онаси» (русча).

23.20 **Янги Тошкентни қураётганлар учун концерт.**

Иккинчи

8.25 Балетлардан куйлар.

19.00 **Б. Бойқобилов сонеталари** (ўзбекча).

19.30 «Латвия музикасида революция овози» деган эшиттириш.

20.10 **Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари.**

20.45 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси (русча).

21.00 **Тожик рақс куйлари.**

21.30 «Чардашни чалиб беринг» деган музикали эшиттириш.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА КЎРИНГ!

ТЕЛЕВИЗОРДА 13

НОЯБРДА ДУШАНБА

Биринчи

Ўзбек тилида:

18.00 **Болалар учун.** «ГУЛХАН» — студиямиз меҳмони.

Рус тилида:

18.30 Телевизион янгиликлар.

18.45 Совет Армияси жангчилари учун. «Чегара томонда» деган телефильм.

19.05 Реклама ва эълонлар.

19.15 Ю. Шомансур шеърлари.

19.45 Эшиттиришлар программаси.

Ўзбек тилида:

19.50 **«Октябрь самараси».** (Қозоқ тилида эшиттириш).

20.10 Телевизион янгиликлар.

20.30 **«Олимлар онласи».** Телеочерк.

20.50 «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. **«Комсомол етакчиси».**

21.20 «ЗОСЯ». Бадиий фильм.

Иккинчи

Ўзбек тилида:

18.00 Математикадан масалалар ечиш.

18.30 Иккинчи курс студентлари учун. **«Назарий механикадан статикага кириш қисми».**

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.30 Ўқувчилар учун. **«Шамол».**

20.30 Телевизион ҳужжатли фильм.

21.00 Телевизион янгиликлар.

21.20 **«Тонгни қутлаб».** Киноновелла.

21.30 Марксизм-ленинизм асослари мактаби тингловчилари учун. КПСС тарихи. **«Биринчи рус революцияси даврида большевиклар»** (1905—1907 йиллар).

22.00 **«Белоруссия партизанларининг қўшиқлари».** Суҳбатли концерт.

22.30 Ярим аср йилномаси. «1952 ИИЛ». Кўл сериали телевизион ҳужжатли фильм.

23.30 Телевизион янгиликлар.

24.00 В. Полонский. **«Артёмнинг қайтиши».** Телеспектакль премьераси.

01.30 Музикали малк.

01.50 Москва эшиттиришларининг охири.

ТЕЛЕВИЗОРДА 14

НОЯБРДА СЕШАНБА

Биринчи

Ўзбек тилида:

18.20 **«Мусобақа голиби».** Саноат ходимлари учун эшиттириш.

18.40 «Халқ созанда-бастакорлари». Муҳаммаджон Мирзаев.

20.00 Телевизион янгиликлар.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

21.00 УСМОН НОСИР. **Езувчининг адабий портрети** (ўзбек тилида).

21.30 Рус тилида «ВЕРТИКАЛ» деган бадиий фильм.

Иккинчи

Рус тилида:

17.30 Ўқув эшиттиришлари программаси. Ўқувчилар учун. «Асосий эстетик тушунчалар». Иккинчи машғулот.

18.00 Ўзбек мактабида рус адабиётини ўқитиш.

18.30 Иккинчи курс студентлари учун. **«Назарий механикадан статикага кириш қисми».**

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 Эшиттиришлар программаси.

19.50 Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. **«Моҳир қўллар».**

20.20 **«Совет музика маданияти».** Тошкент Давлат консерваторияси. Тошкентдан олиб кўрсатилади.

21.00 Телевизион янгиликлар.

21.20 Киноновелла.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/XI да **Улимдан кучли**, 15/XI да **Парвона**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/XI да **Тошболта ошиқ**, 15/XI да **Мухтумқули**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Беором юраклар» ёшлар коллективи гастроллари. Айиқлар аттракциони.** Томоша кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Кино театрларда

13 НОЯБРДА

Замонамиз қаҳрамони—«ЧАЙКА» (кечқурун).

Яшил арава — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Арена — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

14 НОЯБРДА

Замонамиз қаҳрамони—«ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Яшил арава — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Арена—САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

13 ноябрда

МУЗИКА МАДАНИЯТИ УНИВЕРСИТЕТИ

шаҳар студентлари учун

5-АБОНЕМЕНТ БЎЙИЧА

УЗБЕК МУЗИКА ЖАНРЛАРИ ҲАҚИДА СУҲБАТ

(биринчи концерт-лекция)

Лектор — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, музикашунос **Тавур Жумаев.**

Концерт-лекцияда **Ўзбек Давлат филармониясининг Тўхтасин Жалилов номидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, хор капелласи ва торли квартети қатнашадилар.**

Концертмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Иван Фоменко.**

Концерт-лекция кеч соат 8 да бошланади.

Абонементлардан ташқари билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида кундуз 12 дан сотилади.

БАКУ ШАҲРИДА
1967 йил 15 ноябрда
1966 йилда чиқарилган

3 % ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛАР ЗАЁ МИНИНГ 11-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ

ўтказилади.

Тиражда 40 сўмдан 5000 сўмгача ютуқлар ўйналади.

Заём облигацияларини сотиб олинг!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОПРОКАТ КОНТОРАСИГА

Ҳисобчи-кассир, секретарь-машинистка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Заводская кўчаси, 35-уй. Телефон 5-28-03

Узбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИГА

лойиҳа ишлари бошлиғи ва ўринбосари, катта инженерлар ва қурувчи инженерлар, бухгалтер-ревизорлар, машинистка, пахтани дастлабки қайта ишлаш инженерлари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент-70, Шота Руставели кўчаси, 8-уй, кадрлар бўлими.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

1967 йил 22 ноябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия ва химия технологияси бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Черданцев кўчаси, 19-уй, химия институтлари мажлислар залида), техника фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун

Б. А. Степанов: «Сульфидли флотацияда оксидланиш процесслари» деган темада

Диссертация билан академия кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1967 йил 28 ноябрь кундуз соат 2 да, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалик механизацияси инженерлари институтининг илмий совети мажлисида техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

Х. Ч. Чалабаев: «Кўп электродли автоматик пайвандлаш усули билан экскаватор ковшлари тишларининг чидамлилигини ошириш»деган темада.

Д. С. Ҳасанов: «Марказдан қочирма ўз-ўзидан сўрувчи С-245 насосининг ишда чидамлилигини текшириш»деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Учительская кўчаси, 39-уй).

ТАШКИЛОТ, КОРХОНА, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА

„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ“

газетасининг эълонлар бўлими ҳар турли эълонларни қабул қилади.

Шу жумладан **ишга таклиф, конкурслар, диссертация ёқлаш ҳақида, таъзия, ҳар хил буюмларни сотиш** (уйлар, ҳовлилар, мебеллар, гуллар в. б.), **штамп, думалоқ печатлар, етуклик аттестатлари, дипломлари** йўқолганлиги тўғрисида

Қабул қилинган эълонлар бир ҳафталик муддатда босиб чиқарилади.

Эълонлар якшанба кундан бошқа ҳар куни кундуз соат 2 дан 4 гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, 1-қават.

Ҳурматли газетхонлар!



ГАЗЕТАСИГА 1968 ЙИЛ УЧУН

обуна давом этмоқда

«СОЮЗПЕЧАТЬ» КОНТОРАЛАРИ ВА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИ БУ ГАЗЕТАГА ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛАДИЛАР.
ОБУНА БАҲОСИ БИР ЙИЛГА 6 СЎМ.

Тошкент оқшоми 50 йил

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»— Орган Ташкентского Горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар. Дзержинский кўчаси 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор—В3-02-49 дан В3-02-58 гача, редактор ўринбосарлари— В3-29-33; В3-29-09; масъул секретарлар—В3-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—В3-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими—В3-27-03; адабиёт, санъат ва маданият бўлими—В3-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—В3-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—В3-27-57; ахборот бўлими—В3-65-57; эълонлар бўлими—В3-81-42.

13 НОЯБРЬ, 1967 Й. Р. 01393 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 3056.